



* Халққа бош эггани -- халқ кечиради

* Лицей даргоҳида етишаётган ёшгина «академиклар»

* Эчкидай маърайдиган кокилли илонлар ҳам бор экан



Туркистон

Элим деб, юртим деб,



ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 7 апрель Чоршанба. № 26 (144217)

Йўллар олис – кўнгиллар яқин

Сўнги икки йил ичида, дунё миқёсида чуқур иқтисодий бўҳрон ҳукм сураётганлигига қарамасдан, Президент Ислам Каримов раҳбарлигидаги ҳукумат савб-ҳаракати билан Ўзбекистон иқтисодиётида бир қанча ижобий ютуқлар қўлга киритилган.

Юртимизга иккинчи марта ташриф буюрган Япониянинг «Кейзай Доюкай» корпоратив раҳбарлар уюшмаси делегацияси вакиллари мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар жараёни билан бевосита танишиш баробарида, турли доираларда ўтказилган ўзаро мулоқот ҳамда учрашувлар натижасида ана шундай хулосага келдилар.

6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан «Кейзай Доюкай» корпоратив раҳбарлар уюшмаси президенти Коичи Минагучи раҳбарлигидаги делегация аъзолари ўртасида салкам икки соат давом этган музокаралар чоғида, жумладан, юқорида тилга олинган фикрлар ҳам зикр этилди.

Юртбошимиз икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг аниқ натижаларига тўхталар экан, 1995 йилдан буён ўтган вақт ичида, яъни атиги уч ярим йиллик муддатда Япония Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармоя ҳажми қарийб 1 миллиард долларни ташкил қилганлигини айтди. Ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми эса 1998 йилда 1997 йилга нисбатан 27,2 фоиз ўсиб, 117 миллион долларга етди.

– Мамлакатларимиз ўртасидаги масофанинг олислигидан афеус қиламан, – деди Ўзбекистон Президенти, айти чоғда, икки мамлакатни яқинлаштириш учун коммуникация соҳасида муайян имкониятлар мавжудлигига эътиборни қаратар экан. Бу борда, Президентнинг фикрича, «Буюк ипак йўли» лойиҳаси доирасида Андижон-Ўш-Қошғар транспорт йўлаги муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Ислам Каримов Япония билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда «Кейзай Доюкай» уюшмаси алоҳида имкониятларга эга ноёб ташкилот эканлигини қайд этиб, хусусан, Японияда таълим олаётган ўзбек ёшларини молиявий қўллаб-қувватлаш ташаббуси учун уюшма раҳбариятига чуқур миннатдорчилигини изҳор қилди.

Ўз навбатида, япониялик меҳмонлар ўзларининг икки ташрифи оралигидаги бир ярим йиллик қисқа муддат мобайнида Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти ислохотларини амалга ошириш, хусусан, мулкни хусусийлаштириш ҳамда бозор ҳўжалигини ривожлантиришга хизмат қиладиган тегишли қонунчилик базасини такомиллаштириш борасида, айниқса, сезиларли муваффақиятлар қўлга киритилганлигини эътироф этдилар.

(Давоми 2-бетда)



Қўнғил қадамларинг Ватанга қўнғил бўлсин!

Қадимлардан қолган Наврўз ўз шукуҳи ила катталар қатори болажонларни ҳам хурсанд қилмоқда

Суратда: Чилонзор тумани, Мевазор маҳалласида баҳор байрами

ЙўЛЛАР ОЛИС - КЎНГИЛЛАР ЯҚИН

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Маълумки, "Кейзай Доюкай" делегацияси аъзолари, даставвал, 1997 йилнинг сентябрь ойида мамлакатимизда бўлиб, Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг стратегик йўналишларини аниқлаш мақсадида республикамизнинг жорий иқтисодий салоҳияти, ҳукуматнинг иқтисодий ривожлантириш ҳамда молиявий тизим бўйича режалари, шунингдек, савдо ва сарможа жаҳасидаги сиёсати билан яқиндан танишган эди.

Бу галги ташрифдан мақсад эса мамлакатларимизнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини тобора раванқ топтириш билан бир қаторда, ана шундай икки томонлама алоқаларни кенгайтириш бобида муҳим мавқега ҳамда алоҳида аҳамиятга эга бўлган "Кейзай Доюкай" уюшмаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Бизнинг маълумот: "Кейзай Доюкай" корпоратив раҳбарлар уюшмаси 1946 йилда иккинчи жаҳон урушида таназзулга юз тутган Япония иқтисодий тиклаш йўлида ялпи саноат ҳаракати қилиш мақсадида мамлакатнинг ишбилармон доираларига дахлдор 83 нафар тадбиркор раҳбар томонидан тузилган. Уюшма асосан тадбиркорлар жамияти ҳисобланади ва бу ерда етакчи компаниялар раҳбарлари томонидан Япониянинг ички ва ташқи иқтисодий сиёсатига хизмат қиладиган иқтисодий ҳамда ижтимоий тақлифлар ишлаб чиқилади ва амалда тадбиқ қилиш учун тавсия этилади. Ҳозирда уюшма аъзолари қарийб 900 та компаниянинг 1600 га яқин раҳбарларидан иборат. "Кейзай Доюкай"нинг Япониядаги бошқа шунга ўхшаш ташкилотлардан фарқи -- ўз тавсияларини беришда унинг бирон-бир партияга мансуб эмаслиги билан боғлиқ ҳолисидадир.

"Туркистон-пресс"

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Вазирлар Мақамасида мамлакатимиздаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов олиб борди.

Йиғилишда мутасадди вазирлик, идора ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, дин вакиллари иштирок этди.

Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ҳар қандай ақидапарастликка, диний экстремизмга йўл қўймастик, хориждан миллий қадриятларимизга номақбул диний адабиётларнинг кириб келишига қарши кескин чоралар кўриш лозимлигини таъкидладилар. Шу билан бирга «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деган шиорни ҳаётга тўғри татбиқ этиш учун фуқароларимизнинг Конституциямиз томонидан қўлатилган виждон эркинлигини таъминлаш, кўп миллатли Ўзбекистон халқининг диний қадриятлари ва миллий урф-одатларини илмий-маърифий нуқтаи назардан тўғри талқин этиш зарурлиги ўқтирилди.

Жойлардаги мутасадди раҳбарлар аҳолини, айниқса ёшларни зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоялаш, жамият барқарорлиги ва тотувлигини таъминлаш борасидаги тарғибот ишларини кучайтириши лозим. Ўзаро тотувликни янада мустаҳкамлаш, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар кенгашлари ва дин вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни замон талаблари асосида йўлга қўйиш, ёшларни фидокорлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида қилинадиган ишларни фаоллаштириш зарур.

Оммавий ахборот воситалари орқали диний экстремизм ва бошқа ҳар қандай ақидапарастлик кўринишлари асл дин таълимоти ва ота-боболаримиз динига, халқимизнинг урф-одатларига зид эканлигини тушунтириш ва тарғибот ишларини янада чуқурлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Н.Жўраев, А.Мансуров, Т.Рисқиев ва Бош вазир ўринбосари Д.Фуломова иштирок этди.

Б.Мансуров, ЎЗА мухбири

ЭЗГУЛИК НИҲОЛИ

Тошкентда республика олий ўқув юртли талабалар театр-студия жамоаларининг "Нихол-99" деб номланган фестивали ўз ишини бошлади. Республика олий ва ўрта махсус таълим, Маданият вазирликлари, Тошкент Давлат Университети, "Ўзбектеатр" бирлашмаси, Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси ҳамда Тошкент шаҳар фан ва таълим ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси ҳомийлигида утаётган ушбу тадбир шу йилнинг 9 апрелигача давом этади. Пойтахтимизнинг Муқимий номидаги мусиқали драма театри биносида мазкур фестивалнинг очилиш маросими бўлди. Ян-

граётган карнай-сурнай садолари тадбирнинг шоду-хуррамлик, қувонч билан нечоғлик йугирилганидан дарак берарди. Бу ерга юртимизнинг турли университетлари, олий ўқув юртидан йигит-қизлар тўпланган. Йиғилган талабаларни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Тухтапулат Рисқиев, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидахорр Фуломов ва бошқалар кутлаб, бугунги кунда ёшлар зиммасидаги масъулиятли вазифалар тўғрисида тўхталиб ўтишди. Шундан сўнг Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат Университети талабалари таниқли драматург Шароф Бошбеков асари асосида режиссёр Қаҳрамон Саъ-

дуллаев саҳналаштирган "Хужайинлар" спектаклини намойиш этишди.

— Фестивалнинг утказилиши, — дейди биз билан суҳбатда Самарқанд Давлат Университети Маънавият ва маърифат бўлими раҳбари Муҳаммадқул Ашуров, — ёшларимизда Ватанга, халққа муҳаббат руҳини янада чуқурроқ сингдиришга қаратилган. Қолаверса, фарзандларимизни дин никоби остидаги салбий оқимлардан сақлаш ҳам тадбирдан кўзланган асосий мақсаддир. Ушбу фестивалда самарқандлик талабалар "Тадбиркор гурков" номли спектакль билан иштирок этишмоқда. Тадбирда Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси Бошқаруви раиси Х. Абдураимов қатнашди.

НАЗОКАТ

ЯНГИ ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАСИ - МУҲОКАМАДА

Швейцариянинг Халқаро "Қизил Хоч" Кўмитаси ташаббуси ва ёрдами билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда "Қизил Ярим Ой" жамияти ҳамкорликда 11-синфлар учун "Инсон ва жамият" курсига қўшимча ўқув қўлланмаси яратган эди. Мазкур қўлланма Бухоро, Наманган, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги бир қанча мактабларда синовдан ўтказилмоқда.

— Бизнинг бу дастуримиз 11-синфларга саккиз соат давомида ўтилиши керак, — дейди Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев. — Асосий мақсад -- болаларда инсонпарварлик, ватанпарварлик, ўз халқига меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотишдир. Шу сабабли қўлланмада миллий маданиятимиз, тарихимиз ва машҳур аждодларимиз асарларидан кенг фойдаланилган. Қўлланма гарчи чет эл услубияти асосида тузилган бўлса ҳам,

унда миллий қадриятларимиз ҳисобга олинган.

Эътиборга молик томони шундаки, қўлланма содда, ҳаммага тушунарли тилда ёзилган. Агар болаларга дарс мавзуси олдиндан эълон қилиб қўйилса, дарсни бирданга баҳдан бошлаш ҳам мумкин. Бу билан мавзуга қизиққан ўқувчи янги манбаларни титкилайди. Яъни, ўқувчи китоб кетидан китоб қидиради, изланади ва тайёргарлик кўради.

Бизнинг биринчи дастуримиз синовда 100 яқин мактаб, 2000 га яқин ўқувчи, 200 га яқин ўқитувчи иштирок этди. Айни пайтда, биз биринчи дастуримиз синовини яқунлади. Энди чет эллик ҳамкорларимиз билан биргаликда қўлланмани жорий этишнинг иккинчи босқичига ўтмоқчимиз. Иккинчи босқич кенгроқ қамровда бўлади, яъни олдин қўлланма 6 мингга яқин нуسخада чоп этилган бўлса, эндиликда уни 500 мингга кўпайтиришни режалаштиряпмиз.

Азиза ТҮЙЧИБОВЕВА

Муносабат

ЭГИЛГАН БОШНИ ҚИЛИЧ КЕСМАЙДИ

Қайсидир китобда "Халқ қандай бўлса, подшоҳи ҳам шундай бўлади" деган мақолни ўқигандим. Яқинда телевизорда Президентимизнинг Россияга кета туриб аэропортда гапирган сўзларини эшитиб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

Халқимиз азал-азалдан ўзининг бағри кенлиги, кечиримлилиги билан танилган. Ахир Юртбошимизнинг турли жиноий гуруҳларнинг макрига учиб нотўғри йўللарга кириб кетган ёшлар ўз ихтиёрлари билан хатоларига иқдор бўлиб келишса, давлат уларни кечирини айтгани унинг ўз халқига мос раҳбар эканлигини исбот этмайдими?..

Орадан бир кун ўтиб, яна телевизорда ўз қилмишларига пушаймон бўлиб келган ёшларни, уларнинг ота-оналарини кўрсатишди. Мен шундайлардан бири Миромал Акбаров ва унинг онаси Марҳамат аяларнинг сўзларини тинглар эканман, фарзандининг бу йўлга кириб кетганлиги онани қанчалар изтиробга солганлигини сездим. Ҳа, ҳар қандай одам адашиши мумкин. Лекин, қилмишига иқдор бўлиш, ҳақиқатнинг юзига тик қараш кечирини лойиқ. Айтдилар-ку "Эгилган бошни қилич кесмайди" деб.

Ғаразўйликни, хоинликни ўзига одат қилиб олганларни эса халқ ҳеч қачон кечирмайди. Бундай қимсалар содир этган жиноят қурбонларининг ота-оналари, ёру дўстлари чеккан оҳу нолалар эса уларнинг ёқасига тавқи лаънат бўлиб ёпишади.

Наргиза КУЛМАНОВА, Ўрта Чирчиқ тумани

Биз боболаримиздан, момоларимиздан урушнинг халқимиз бошига солган азоб-ўқубатлари тўғрисида кўп эшитганмиз. Қариялар бу ҳақда гапирганда жангтоҳларда қурбон бўлган амакиларимизнинг сарғайган суратларини кўрсатиб, уларнинг софдил, меҳнатқаш, ўз Ватанига, халқига садоқатли фарзандлар бўлганини эслатади.

Уларни қисқа бўлса-да, қаҳрамонларча ҳаёт йўлларига эҳтиром билан қарашганида бу макрга уммас эдилар, деган ҳаёлга бораман.

Чиндан ҳам хотира -- муқаддас. У инсонга ўзининг қимлиги, ким бўлиши керак эканлигини аниқлатади. Шу жиҳатдан бугун ўтмиш авлодларимизнинг лок номлари қайта ўз қадрини топаётганлиги,

ЎТТАНЛАР ЁДИ - МУҚАДДАС

ги тинч ҳаётимизнинг нақадар бебаҳо неъмат эканлигини англаймиз. Лекин афсуски кейинги вақтларда шу осойиштагимизни кўролмаётган қимсалар турли жиноий ҳаракатларни содир этишга уринаётди. Энг ачинарлиси, баъзи биз тенги ёшлар ҳам уларнинг алдовларига учмоқда.

Шуларни ўйлаб туриб, агар улар ҳам болалигиданоқ боболар ёнида ўтириб, уларнинг аламли хотираларини тинглашганида, урушнинг қонли сўқмоқларидан қайтмаган навқирон йигитларнинг жилмайиб турган расмларини томоша қилишиб,

"Хотира майдони" тимсолида бахтли ҳаётимиз учун қурбон бўлганлар руҳи шод этилаётганлиги мени жуда қувонтиради.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган бу эзгу ишлар аввало биз ёшларни ўз қадриятимизни билиб, бутун ғайратимиз ва шижоатимизни Ватан раванқи йўлида сарфлашга даъват этади.

Сайёра СОИПОВА, Тошкент шаҳридаги 144-мактаб 11-синф ўқувчиси

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИГИ

Йўлбошимизнинг кун-кеча Москвага жўнаб кетишларидан аввал журналистлар билан қилган суҳбатини ойнаи жаҳон орқали ҳеч ким бефарқ кўрмаган бўлса керак. Улар Чеченистон, Афғонистон, Тожикистон сингари давлатларда махсус тайёргарлик кўриб кўпорувчилик "ҳадисини" олиб, халқига, Ватанга қарши курашдек қора ниётларни режалаштирган айрим кишилар агар ўз ихтиёри билан айбини буйнига олса, уларга нисбатан ҳеч қандай чоралар қўлланилмастлигини айтдилар. Юртбошимизнинг бағри кенг, кечиримли инсон эканликлари кўпчилик қалбини ҳаёжонга солади. Билиб-билмай қинғир йўлга кириб қолган йигитга нисбатан отанинг айтган сўзлари-чи... Дарҳақиқат, мустақилликка эришганимиздан буён жамиятимизда катта ўзгаришлар, янгиликлар рўй бермоқдаки, буларни эътироф этмаслик нонқўрлик саналади. Тўғри, ҳаётда муаммолар, камчиликлар учраб туради. Ахир қайси давлат ҳеч қандай қийинчиликсиз, осонгина ўз-ўзидан тараққийнинг юқори босқичига чиқиб олган.

Муқаддас Ислоом динимизни никоҳ қилиб олган турли экстремистик руҳдаги оқимларга айрим йигит-қизлар энг аввало билимсизлик, тор дунёқараш туфайли кириб қолишгани ҳеч кимга сир эмас. Бугун эса унлаб ана шундай ёшлар ўз хатоларини тушуниб етиб, тегинли идораларга мурожаат этишяпти. Уларнинг айримларини ота-оналарининг ўзлари ички ишлар идораларига етаклаб келмоқда. Негаки, ота-оналар қаддини букадиган ҳам, унга обрў-эътибор келтирадиган ҳам фарзанддир. Зеро, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам ошқор бўлади.

Н. ШАВКАТОВА



Ёшлар нега жиноятга қўл уради. Албатта қўнича қонунни билмаслигидан. Вобқент тумани воёга етмаган ёшлар билан ишлаш бўйича нозир, милиция лейтенанти Ҳасан Мухторов туман ёшлари орасида бўлиб, ҳуқуқий мавзуда тез-тез суҳбат ва тадбирлар уюштиради.

Суратда: Ҳ. Мухторов ва лицей ўқувчилари.

Р. Аслонов сурати



“ТУРКИСТОН”ДА БОСИЛГАН ЭДИ

“АБУЛҒОЗИЙ КИМДАН ХАФА?”

Газетанинг 1999 йил 20 февраль сонида “Туркистон – SOS” рукни остида эълон қилинган Эрпўлат Бахтнинг “Абулғозий кимдан хафа?” мақоласига Хоразм вилояти ҳокимлигидан жавоб хати олинди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Мақола вилоятнинг таниқли ҳайкалтарошлари, тарихчи олимлари, ёзувчилар ва тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

Мақолада тилга олинган Абулғозий Баҳодирхон ҳайкали Урганч шаҳрининг янги гавжум ва қадимий кўчаларидан бирига қўйилган. Бундан ўн йиллар олдин асосий йўл марказий дўкон ёнидан айланиб, ҳайкал олтидан ўтарди. Шу жойда шаҳардаги энг катта “Нур” китоб дўкони ҳам жойлашган. Ҳайкал ана шу “Нур” дўкони томонга, кун чиқар тарафга қаратиб ўрнатилган.

Кейинчалик янги қурилишларнинг амалга оширилиши туфайли асосий йўл ҳайкалнинг ён томонидан ўтадиган бўлди ва ҳайкал ушбу кўча бўйлаб ҳаракатланаётган йўловчиларга ёни билан

қараб турган ҳолатда қолди. Бу масала 1998 йил 30 ноябрда Урганч шаҳар шаҳарсозлик кенгашининг йиғилишида муҳокама қилинди. Йиғилишда Абулғозий Баҳодирхон ҳайкали композициясини ва ўрнини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Айтиш кунда бу борада бир қатор лойиҳалар муҳокама этилмоқда ва албатта энг мақбул лойиҳа танланиб, тез орада бу масала ўз ечимини топади.

Лекин, мақола муаллифининг айрим фикр-мулоҳазаларига қўшилиб бўлмайди. Жумладан, Абулғозий Баҳодирхон ҳайкали мақола муаллифи таъкидлаганидек отнинг жоловини ушлаб турган ҳолда эмас, балки бир қўлида шаҳарнинг қурилиш лойиҳасини, бир қўлида қилич сопини ушлаган ҳолатда ишланган.

Шунингдек, мақола муаллифининг Комилжон Отаниёзов ҳайкали тўғрисидаги

мулоҳазалари ҳам уринли деб бўлмайди. Ҳайкалтарош ўз ижодий тасаввурларини шу ҳолатда ифодалаган.

Огаҳий ҳайкалининг салла ўраган ҳолатда яратилишига келсак, илгари Хоразмда ҳам шоирлар мушоираларда, гурунгларида салла ўрашган. Қолаверса, илгари салла зиёли аҳлининг ўзига хос рамзи ҳисобланган.

Ушбу ҳайкаллар ижодкорлари Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси аъзоси, таниқли ҳайкалтарош Ш. Усмонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, аз-Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро, Жалололдин Мангуберди каби буюк зотлар сиймоларини яратган О. Оллабергановлар воҳамиз тарихини яхши биладилар ва уларнинг асарлари Республика миқёсида юқори баҳоланиб қелинмоқда.

Т. ДОСЧАНОВ,
Хоразм вилояти
ҳокими ўринбосари»

Халқаро “Олтин мерос” жамғармасининг Хоразм вилоят бўлимида ҳам жавоб олинди.

«Мақолада Урганч шаҳрида Абулғозий Баҳодирхон, Комилжон Отаниёзов ва Ризо Эрназарбек ўғли Огаҳий ҳазратлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ҳайкаллар ҳақида журналистнинг ўй-фикрлари баён этилган.

Абулғозий ҳайкали 1993 йил мустақиллик кунини очилди. Уша даврда Амударё янги Урганчдан 5-6 чақирим наридан оқиб турган, ҳозир у 10-12 км шарқий-шимол томонга узоқлашган. Бизнингча, Абулғозий ёдгорлиги учун ҳайкалтарошни айблаш нотўғри бўлади. Чунки ҳайкалтарош хоннинг тарихий шахс сифатида сиймосини тўғри талқин қила олган. Ҳайкални жойлаштиришда йўл қўйилган хато ўша йиллари раҳбар бўлган ҳомий ва меъморларнинг кўпол хатоси ҳисобланади. Абулғозий ва унинг оти орқа томони билан катта кўчага эмас, балки марказий универмагга тескари қараб турса маъқул иш бўлар эди.

Огаҳий хотирасига ўрнатилган ҳайкал бўйича билдирилган фикрлар анча мунозарали. Хоразмликлар эчкининг эмас, балки

қимматбаҳо барра кўзичоқнинг терисидан тикилган сур ёки шерозий телпак (қалпоқ) кийганлар. Огаҳий сув ҳўжалиги ноziри -- бош мироб салла ўрнига энг сара кирпичдан кийган бўлиши табиий. Бизнингча, унинг салла ўрагани буюк салобатли, салоҳиятли аллома эканлигига ишоради.

Комилжон Отаниёзов хотирасига ўрнатилган асар кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилмаганга ўхшайди. Танқид қилинганидек, у бюстга ҳам, тўла қоматли ҳайкалга ҳам ўхшамайди. Харж этилган маблағ ва материал ҳисобига асарни тўла гавдали ёдгорлик шаклида яшаш мумкин эди. Ўрни келганда шуни таъкидлаш жоизки, вилоятда 400 га яқин тарихий-маданий ва археологик ёдгорликлар мавжуд. Улар ота-боболаримиздан бизга ёдгор бўлиб қолган олтин меросдир. Уларни кўз қорачиғидек асраш ва келгуси авлодларга етказиш кенг жамоатчиликнинг муқаддас бурчи.

К. НУРЖОНОВ,
Халқаро “Олтин мерос” жамғармаси
раиси»

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз Хоразм вилоят раҳбарларидан юқоридаги хатларини ўз вақтида олиб жуда қувондик. Чунки...

“Туркистон”нинг 1998 йил 28 ноябрь сонида чоп этилган “ЯНА НОШУДЛИК ХУСУСИДА” сарлавҳали мақолада Хоразм вилоятида Республика Президентининг “Камолот” жамғармаси тўғрисидаги Фармони тўла бажарилмаётгани, вилоят ёшлар ташкилоти фаолиятидаги камчиликлар таҳлил этилган эди. Ораладиган тўрт ой вақт ўтган бўлса-да, вилоят ҳокимлиги мақолада кўтарилган танқидий фикр ва мулоҳазаларга муносабат билдиргани нук.

Ўтган йилнинг 2 декабрида эса “ГАЗЕТАНИЗГА ХАРИДОР ЙЎҚ” сарлавҳа остида бошилган мақолада Хоразмда матбуот нашрларини дўконлар орқали тарқатишдаги камчиликлар тилга олинган бўлса-да, раҳбарлар хато ўзлариники эканлигини тан олишмаяпти эканлиги.



ЁШЛАР ЭНДИ ИШЛИ

Бухоро вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан шаҳар ҳокимлиги ва меҳнат бўлими биргаликда «Бўш иш ўринлари ярмаркаси»ни ўтказди. Беш кун давом этган ушбу тадбир натижасида шаҳардаги 100 дан ошиқ ишсиз ёшлар тегишли мутахассисликлар бўйича ишга жойлаштирилди. Мутахассислиги бўлмаган ёшлар эса «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятида ўқиб, ўша ерда иш билан таъминланадилар.

— Бундай меҳнат ярмаркаларини ўтказишдан кўзланган мақсад, ёшларимизни фойдали ишларга жалб этиш, ишсизликдан юзага келадиган баъзи бир муаммоларнинг олдини олишдир, — дейди Бухоро шаҳар ҳокими ўринбосари Шухрат Убайдов. — Ишсиз юрган ёшларни топшида бизга маҳаллалар, фуқаролар йиғинлари ва «Камолот» жамғармаси шаҳар бўлимининг фаоллари анча ёрдам бердилар. Энди «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» Бухорода ҳар ойда ўтказиб турилади.

Ш. ЖУМАЕВ

«2000 ЙИЛ МУАММОСИ» ЭРТАРОҚ БОШЛАНАДИ

Ҳозир «2000 йил муаммоси» кўпчиликка таниш. Лекин уни келаси аср бутағасидан берида кутаётганлар кам бўлса керак. АҚШ ишбилармонларининг сеvimли газетаси ҳисобланмиш «Уолл стрит жорнел» Франциядаги «Л’орваль» фирмаси маълумотларига таяниб, галати мақола эълон қилди. Унда айтилишича, «2000 йил муаммоси» кўпчилик кутганидек, шу йил 31 декабрдан 2000 йил 1 январга ўтадиган пайтда эмас, балки жуда ҳам яқинда ўзини кўрсата бошлайди.

Дастлабки «компьютер танглиги» 9 апрель кунини бериши мумкин. Чунки, бу сана 1999 йилнинг тўқсон тўққизинчи кунидир. Кўп компьютерларнинг программасида эса қаторасига учта ёки тўртта тўққиз келиши иш якунланганини билдиради. Демак, уша кунини кўп машиналарда «эсанкираш» ҳолати пайдо бўлиши мумкин.

Кейинги хатар 21-22 август кунларида кутилмоқда. Бу даврда компьютерлар бутун дунёни қамрайдиган янги сунъий йўлдошли

тизимга ўтиши мўлжалланган. Уни ҳамма машиналар ҳам «ҳазм» қила оладими, йўқми — аниқ жавоб бериш мушкул. Хавф-хатарлар бу билан ҳам тугамайди. 9 апрель сингари бир неча тўққиз ёзиладиган саналар йил давомида бир неча бор келади. 9 сентябрь ва 9 октябрь кунларини шулар қаторига қўшиш мумкин.

Лекин нима булганда ҳам, компьютерлар учун энг «даҳшатли» синов 2000 йилнинг 1 январига ўтадиган даврда кечади. Тўрт хонали йил рақамларини икки хонали кўринишда «танийдиган» машиналар янги йилни 1900 йил сифатида қаршилайди. Бу ҳар қандай мантиққа зид тушунча булгани боис кўп компьютерлар ишдан чиқади. Муаммо фақат 1 январь кунини билан ҳам чекланмайди. 2000 йил кабиса йили булгани учун 28 февралдан кейин 1 март эмас, 29 февраль келади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўп компьютерларнинг «мияси»да 2000 йилнинг «кабисалик хусусиятлари» ҳам ҳисобга олинмаган.

ЎЗА/

ЛИЦЕЙДАГИ "АКАДЕМИКЛАР"

Бундан 10-15 йил муқаддам сарлавҳани ўқиб, бўлиши мумкин эмас, дея лофга нуқта қўйишимиз турган гап эди. Кечагина йўғ-е, деган хулосага келардик. Бугун эса бўлиши мумкин деган хулосага келамиз. Чунки академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчилар етук олимлар сабоғини олиб, илмий тадқиқот қилиши ҳам мумкин.

Бу ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида Навоий давлат педагогика институти қошида ташкил этилган академик лицей ўқувчилари ва уларнинг устозлари хузурида бўлиб, лицейнинг афзалликлари ва ... муаммолари билан қизиқдик

МУСТАКИЛ ЯШАШГА ЎРГАНДИМ

олиш керак.

Аскар ХАСАНОВ, "Кимё-биология" гуруҳи талабаси ТАЛАБАЛАРДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Яқинда академик лицейимиз ўқитувчилари аттестациядан ўтишди. Қизиғи шундаки, бу синовдан ўтолмаганларга институтда ишлашга рухсат берилди. Демак, лицей ўқитувчиларига олий ўқув юртларидан ҳам юқорироқ талаб қўйилар экан. Шу жиҳатдан бизда фан докторлари ва номзодлари ишлаётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

Яна бир афзаллик томони шундаки, бу ерда фаолият кўрсатаётган педагогларнинг аксарияти ёшлар. Уларда таълим-тарбия соҳасига, талабалар билан муносабатларга янгича ёндашув бор. Дарс жараёни ҳам, турли маданий-маърифий тадбирларни ҳам талабалар учун қизиқарли тарзда ташкил қила билишади.

Тўғриси айтсам, лицейда яшаш ва ўқиш учун барча шарт-шароитлар бўлишига қарамасдан, аввалига роса зерикдим. Ҳатто уйга кетиб қолгим келган пайтлар ҳам бўлди. Ахир бу ерга ўқишга киргунимча ота-онамдан узоқ вақт айрилиб яшамаган эдим-да. Шунданми, бошида фанларни ўзлаштиришим ҳам қийин кечди. Ҳозир анча кўниқиб қолдим. Чунки ўқитувчиларимиз жуда меҳрибон. Улардан ҳар қандай масалада маслаҳат сўраш мумкин. Албатта ёрдам беришади. Дугоналар ҳам орттирдим. Улар билан ётоқхонада бирга яшаймиз. Бўш вақтларимизни биргалликда ўтказамиз. Уртамизда ҳеч қандай сир йўқ. Энди билсам, лицейда яхши билим олиш билан бир қаторда, мустақил ҳаётга ҳам ўрганаркан одам.

Райҳона ХАҚНАЗАРОВА,
"Филология" гуруҳи талабаси

ҲАММА ЖОЙДА ШУНДАЙ БЎЛСА

Кириш имтиҳонларига қадар "Менга ҳам шундай ҳашаматли бинода таълим олиш насиб этармикан?" деган хаёллар билан юрардим. Ўқиш даври бошлангач лицейнинг биносидан бошқа ҳам афзал томонлари кўплигини кўрдим. Энг аввало бу ердаги озодлик, тартиб-интизом бошқа илм даргоҳларникига ўхшамайди. Мураббийларимизнинг ҳеч биттаси дарсни кун ўтсинга ўргатишмайди. Компьютер синфида машғулот ўтганимизда эса ўзимни бошқа оламга келиб қолгандай ҳис этаман. Шундай кезларда эски мактабимиз, собиқ синфдошларим ёдимга тушади. У ерда бундай шароитлар қайқда дейсиз. Қани энди ҳамма мактаблар ҳам бизнинг лицейимиздек бўлса, Менинг Навбахордан бу ерга келиб ўқишимга ҳожат ҳам қолмасди.

Олим РУСТАМОВ,
"Тарих-география" гуруҳи талабаси

КИМ БИЛАН ДЎСТЛАШАМАН?


Биз аслида бир ўртоғим билан бирга лицейга келиб ўқимокчи эдик. У мендан ҳам ағлочиноқ эди. Лекин ота-онаси, сени шаҳарда ўқитолмаймиз, деб рухсат беришмади. Бу ерга келиб анча дўстлар орттирдим. Шароитимиз яхши. Стипендия беришяпти. Тушлигимиз ҳам лицей ҳисобидан. Бир синфдошим (исмини айтмаганим маъкул) сентябрдан бошлаб ўқишни ўз мактабида давом эттиришга мажбур бўлишини айтиб қолди. У билан жуда қадрдон бўлиб қолганмиз. Кейин ким билан дардлашаман?

Иномжон РАҲМАТУЛЛАЕВ,
"Тарих-география" гуруҳ талабаси

ШЎХЛИК ҚИЛИБ ТУРАМИЗ...

Болалигимдан табиатга қизиқаман. Шу боис лицейга ҳам биология йўналиши буйича кирдим. Фанлар мактабдагига қараганда жуда чуқур ўтилар экан. Бунинг устига фақат билим олишга ихлос қўйган йигит-қизлар йиғилишган. Улар билан биргалликда ўқиш мароқли. Тўғри, баъзида шўхлик ҳам қилиб турамыз (ўқитувчиларимиз эшитмасин), лекин асосий вақтимиз дарс билан ўтади.

Лицей қошида "кичик академия" ташкил қилинган. Мен бу ерда экологик муаммоларни ўрганаёман. Мактабда ўқиб юрганимизда бундай шарт-шароит йўқ эди. Шу жиҳатдан лицейнинг афзалликларини тан



Албатта муаммолар ҳам йўқ эмас. Яқинда бир ўқувчимиз қабулимга кириб, лицейдан кетмоқчилигини айтиб қолди. Сўраб-суриштирсам синфдошлари билан чиқишолмабди. Умуман олганда, бу уларнинг ёшига хос ҳислат. Бунинг педагоглар яхши билишади. Шундай кезларда академик лицейлар қурилишини тезлаштириш керак экан, деб ўйлаб қоламан. Шунда эндигина 15-16 ёшга кирган йигит-қизларнинг ўз оиласига яқинроқ ерда таълим олишига имкон яратилади. Бу эса уларнинг ўқишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Нима бўлганда ҳам академик лицейларнинг ташкил этилиши хайрли иш бўлди. Ўқувчиларимизни қисқача қилиб, "академиклар" деб аташди. Бу бежиз эмас. Чунки бизда ўқишга энг билимдон, илмга чанқоқ ёшлар тест асосида саралаб олинади. Уларнинг интизоми ҳам, ҳуққи ҳам шунга яраша. Хулоса қилиб айтганда, лицейимиз талабаларидан умидимиз катта. Улар улғайгач, бу ерда олган билимларини мамлакатимиз равақчи йўлида сарфлашди деб ишонамиз.

Хўрозбой ЭРАЛИЕВ,
лицей директори

Сухбатни Жамолiddин ТҲХТАШЕВ ёзиб олди

Яқиндагина бир хушxabар эшитдик. Тошкент Давлат Университети иқтисод факультетининг 4-босқич талабаси Улуғбек Бердимуродов Словенияда ўтказилган Бутунжаҳон Тинчлик конфертида иштирок этиб қайтибди.

-- Ушбу тадбирнинг ташаббусчиси асли ҳиндистонлик, ҳозирда АҚШда истиқомат қилаётган Шри Чинмойдир. У БМТнинг тинчлик йўлидаги беғараз фаолияти, ижоди, саъй-ҳаракатлари эвазига "Тинчлик элчиси" унвонини олган. Шри Чинмой дунё бўйлаб юздан ортик Тинчлик концертилари ўтказганлиги, 1987 йилдан бошлаб ҳар икки йилда ташкил қилинадиган Бутунжаҳон Тинчлик югуришларининг асосчиси эканлиги, бу инсон ҳақида тўлароқ тасаввур беради. Словениядаги Тинчлик конфертида Канада, Финляндия, Янги Зеландия, Непал, Жанубий Африка Республи-

ДУНЁ ЁШЛАРИ ДЎСТЛАШСА

каси сингари мамлакатлардан ҳам вакиллар иштирок этди. Тадбирдан кўзланган мақсад дунё халқларини ўзаро тотувликка, аҳликка чорлаш, даъват қилишдир. Биз ўзбекистонликлар ҳам ўзимизнинг муסיқий чиқишларимиз билан уч кунлик тадбирда қатнашиб, спорт мусобақаларида иштирок этдик.

-- Улар сизларни қандай қарши олишди?

-- Словенияда бизни жуда меҳмондўстлик билан кутиб олишди. Шаҳарлари тинч, озода. Одамларидан бирон нима сўрасангиз очиқ кўнгиллик билан жавоб қайтаради. Биз уларга юртимиз тўғрисида, қадимий бой тарихимиз, гўзал анъаналаримиз, урф-одатларимиз ҳақида гапириб бердик. Словенияликлар кўпроқ Самарқанд, Бухоро шаҳарларининг таърифини келтиришди.

Тринава Университетининг техника факультетида бўлди. Талабаларнинг билим олишлари учун жуда яхши шароитлар яратилган экан. Бизда ҳам ҳозир ёшларнинг билим олишларига давлат сиёсати даражасида қаралаёпти.

-- Сафардан ўзингиз қандай хулоса чиқардингиз?

--Менимча, халқаро миқёсда ўтказилаётган анжуманларда ёшлар кўпроқ иштирок этишлари керак. Боиси улар дунёни кўради, рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан чуқурроқ хабардор бўлади. Қолаверса, мамлакатлараро алоқалар янада яхшиланиб, Ўзбекистонни жаҳонга танитишда ҳам кўпроқ имкон яратиларди.

Назкат УСМОНОВА,
"Туркистон" муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ

«КАМОЛОТ – МЎТТИ» СТУДИЯСИ ҚОШИДАГИ "НИГОҲ" ИЖОДИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ

1 йиллик ва 6 ойлик тайёрлов курсларига танлов асосида қабул эълон қилади

МАШҒУЛОТЛАРНИ

Раъно Жўраева, Роза Каримова, Эргаш Каримов, Шерали Ҳожиев, Нодир Шодиев олиб боради.

Ўқишни тамомлаганларга диплом берилади.

Ўқишга киришни хоҳлаганлар биз сизни ҳар кун соат 10.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзилгоҳда кутамиз.

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй. Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" жамғармаси биноси, 1-қават, 44-хона.

Тел: 41-08-61

Авт: 28, 91, трол: 4, 20, трамв: 7, 8, 16.

"Санъат Саройи" бекати.

ШОШИЛИҚ. ТАНЛОВ ВАҚТИ
ЧЕТАРАЛАНАТ!

* шоу — дастурлар, концерт, фестиваль,
ТВ курсатувларини олиб борувчилар
* телевидение суҳандони
* Эргаш Каримов миниатюра мактаби

Вилоят хусусий телевидениеси ва радио суҳандонлари режиссёрларини 1, 2 ойлик малака оширишга ўқинга таклиф этади. Санъат ва Маданият институтларига кирувчи абитуриентлар учун 3 ойлик тайёрлов курси ҳам эълон қилинади.

ЎҚУВ ДАСТУРИ

а) Актёрлик маҳорати
б) Саҳна ҳаракати
в) Саҳна нугқи
г) Режиссёрлик маҳорати

ТАНЛОВГА

14 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлар таклиф қилинади.

(Давоми. Аввали газетанинг ўтган сониди)

Биз ўз атрофимизда не-не катта одамларнинг фарзандлари ноқобил чиққанлигини-ю ўзларининг хурмача қилиқлари, беандиша, одобсизликлари билан халққа, жамиятга маънавий зарар етказганликларини кўрганмиз, гувоҳи бўлганмиз. Темур Бек ҳам катта амирнинг ўғли, бой-бадавлат кишининг фарзанди эди. Лекин у ҳеч қачон ўзгаларни унутмади: ночорларга доимо ёрдам бериб турди, отаси ҳисобидаги отарлардан қўйлар сўйиб, етти бўлакка бўлиб, ён-атрофдаги энг қашшоқ кимсаларга тарқатиб турди. Бу ҳам Темур Бекнинг меъёрга риоя қилганлигини, амирнинг ўғлиман, дея ожизларни менсимай ўтмасдан, уларга меҳр кўрсатиб, инсоний хислатларини намойиш этганини кўрсатади.

“Мен сифатларимнинг энг аввали деб бегаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил жиҳдий ва одил қарадим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмадим, бойни камбағалдан устун қўймадим.”

Соҳибқироннинг ушбу сўзларини ўқигач, ўзингизга савол бериб кўринг-чи: орамызда бегаразлар кўпми? Дўстингизнинг муваффақиятига қандай қарайсиз? Мансабдор бўлгандан сўнг ўзингизни катта тутадиган худбин одат чиқарасизми-йўқми? Насибаси оз берилганларга қандай қарайсиз?

Бу саволлар ҳеч биримизни бепарқ қолдирмайди. Қалбимизда инсоний хислатлар жўш уради. Мен қандай инсонман, мен ҳам ҳаёт меъёрига риоя қилаяпманми, деган ўйлар кечеди кўнглимиздан. Зеро, бой ва бетакрор ўтмишимиз, ота-боболар ўғити бизни эзгуликка, инсонийликка чорлар экан, нечун улардан қайта-қайта баҳраманд бўлмаслигимиз керак, билъакс, тириклик илдизлари фақат мозийдан, ўтмишдан қувват олади.

Амир Темур тахтга ўтирганидан кейин ҳам кибрланиб кетмади. Шу билан бирга инсон эканлигини, яъни ҳаётга йўл қўйиши мумкинлигини унутмади. Бунда ҳам меъёрга риоя қилди. Ўзига тўрт адолатли ва раҳмдил вазир тайин этганлигини яхши биласиз. Улардан Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний ва Насриддин Маҳмуд ал-Аромийларга доимо ўзини қузатиб туришларини, адолатсизлик қилса, ёлғон сўзларга ишонса, дарҳол тўхтатишни буюрганлиги ҳам Сизга маълум. Гоҳо шу икки вазир туфайли хатосини англаб, дили хуфтон бўлган пайтларда, бошқа вазирлар: “Ўзингизни қийнаб нима қиласиз, амирим, бўйининг таноби йўқ вазирлардан воз кечинг”, деганларида ҳам, у меъёрдан орта чекинмаганини, қайтага бу икки адолатли вазирни сийлаганини, уларга беҳад катта меҳр кўрсатиб, инъомлар берганини кўрамиз.

Бошга мушкул тушганда, у ўзини қандай тутганлиги тўғрисида ҳам бироз тўхталишга тўғри келади, зеро бу ўринда ҳам у меъёрга қаттиқ риоя қилганлигига амин бўламиз.


Туглуқ Темур Мовароуннахрни яна қўлга киритиш учун бостириб келганда, қўрқувга тушган Ҳожи Барлос Хуросон томонга қочади. Халқнинг осойишталигини, юртнинг гарот бўлмаслигини ўйлаган Амир Темур эса вақтинча бўлса-да, катта бойлик инъом-эҳсон эвазига ёғийни орқага қайтаради.

Мана унинг урушга бўлган муносабати: “Дунёдаги барча инсонлар тўғри бир бутун тандир. Агарда улардан кимдаким бошқасига ҳужум қилиб, бало келтирса, бу инсон ўз танасини ўзи чопгани билан баробардир”. Демак бировнинг бировга нисбатан бўлган ҳар қандай душманлик ҳаракати ўта бемаъноликдир. Урушнинг ҳеч кераги йўқ. У урушга, яъни жаҳлатга, адолатсизликка қарши эди, аммо унинг изми-ихтиёри замонасининг қўлида бўлганлигини ён-атрофдагилар билан ҳисоблашишга, уларнинг раъийига қарашга мажбур бўлганини ҳам унутмаслигимиз керак. Яна бир нарсани тан олиш керак, у оғир замонада, қийин курашларда юрса-да, адолатни байроқ қилиб кўтаргани, жаҳлатга ботган Туронни бегубор тонг каби нурафшон ўлкага айлантиргани, уни дунёнинг илғор фан ва маданият ўчоқларидан бири даражасига етказгани бор ҳақиқатдир.

Бугун ўзимиз ҳам, Осиё, Европа, Америка -- бугун дунёнинг эрксева, тинчликсева кишилари унинг замонаси-

да қарвонларнинг Самарқанддан Маккаю Мадинагача бежавотир қатнаганини; йўллар обод ва тинч бўлганини, ёш бола ҳам, аёл ҳам - ким бўлишдан қатъий назар бу йўллардан хавф-хатарсиз, хотиржам ўтганлигини фахр ва ифтихор билан тилга олишди.

Амир Темурни бунчалик кўкка кўтараяпсизлар, деганларга



АМИР ТЕМУР ВА МЕЪЁР

шундай сўз айтгимиз келади: яхшиликни эмас, ёмонликни тарғиб этайликми? Шу билан бирга 27 давлатни бирлаштирган бир инсоннинг ганими оз эдимми? Ўз замонасида унга фарзгўйлик қилганлар қанча?! Аммо ким унга тош отган бўлса; тавба-тазарру қилди, ёки Оллоҳнинг газабига учради. Гоҳида бир одамни гапга кўндиролмай хуноб бўласиз, асабингиз осмони хира тортади. Унга эса дунё қўлоқ тутганди, лозим пайтларда, бир оғиз сўзи учун Туроннинг минглаб йигитлари ўлимга тик борганлиги тўғрисида ҳам кўп ўқиганми?

Амир Темур ва амир Ҳусайн муносабатлари ҳақида жуда кўп фикрлар билдирилган. Кўпгина Фарб тарихчилари амир Ҳусайнни Темур Бек маъв этган, деб ёзадилар. Ҳар бир воқеага баҳо беришда Соҳибқирон хислатларини ўрганган ҳолда ёндашган маълумдир. Чунки Шарқ тарбиясини олган одам гуноҳдан ўзини четда тутайди, беҳуда қон тўкишга ошиқмайди. Амир Ҳусайн нодонлик қилиб Амир Кайхусрав Хатлонийнинг инисини ўлдирганини муштарийларимиз яхши билишади. Ёруғ дунёда ҳар қандай гуноҳ учун жазо белгилаб қўйилган. Амир Ҳусайн мағлубиятга учрагач, ҳажга кетишни ихтиёр этишдан бошқа иложи қолмаганди. Соҳибқироннинг: “... бирор кимса унга қаршилик кўрсатмасин, қаерга хоҳласа кетаверсин”, деб буюргани, Кайхусрав арзга келиб, ундан қасос олмақ ниятида эканлигини билдирганида, Амир Темур: “Сен бу даъводан воз кечгил. Биродарингнинг қони уни шундоқ тинч қўймайди”, деб таскин берганлиги ҳам тарихдан яхши маълум. Мазкур воқеа амир Улжойту яширинча Кайхусрав ва амир Муайядга Ҳусайнни йўқ қилишни буюргани, мажлисдан чиққан икки амир от чоптириб, Ҳусайнга етиб олганликларини-ю уни қатл этиш фожеаси билан яқунланганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Келинг, Амир Ҳусайннинг ўлимга сабаб бошқа жиҳатларни ҳам қараб чиқайлик:

биринчидан, Турон чингизийлар зулмидан озод бўлиб, осойишталик денгизда эндигина нафас ростлаётган пайтлар эди. Амир Довуд, Амир Сарибую, Амир Жоусу, Амир Муай-

яд, Ҳусайн баҳодир, амир Сайфуддин, Аббос баҳодир, Амир Оқбуго, Элчи баҳодир, Давлатшоҳ бахши уйғур қабилар амир Ҳусайн туфайли Мовароуннахрда ана шу осойишталикка путур етишини идрок этишган, урқо-урларнинг авж олишидан хавотирда эдилар;


иккинчидан, амир Ҳусайн қасамхўр одам бўлгани учун ҳам унга ишонмасдилар. У ҳаттоки Қурьонни қаримга қасамёд қилиб, аҳдини бузган эди. Шунинг учун ҳам амирлар унинг сўзига, ҳажга боришига ишонмадилар; учинчидан, дунёга келган чақалоқларга бир хилда умр берилади. Аммо инсон ўз қилмишлари -- ҳаёт меъёрига риоя қилмаганликлари оқибатида ёмон охирад топадилар. Амир Ҳусайн ҳам ана шундай охирад топди. Қўхна тарихнинг бу сабоғи ҳар биримизга ўрناق бўлиши керак.

Амир Темур кечиримли киши эди. У амир, беқларни ширин сўз, хушмуомала билан итоат этмоққа ундарди.

1370 йилда ўтказилган қурултойга чақирилганда, фақат Шибиргон ҳокими Зиндаҳошим етиб келмайди. Бу ҳам озлик қилгандай, Соҳибқирон ҳузурга ошиқайтган амир Пиримшоҳ ва унинг ўғли Тилончини макр-хийла билан ўлдиртириб юборади. Бунга эшитган Амир Темур уни тўғри йўлга солиб келиш учун Тобон баҳодир билан ҳўжа Юсуфни юборганида, Зиндаҳошим уларни қамаб қўяди. Охир-оқибат Соҳибқироннинг ўзи унга қарши лашкар тортишга мажбур бўлади. Натижада, қайсар Зиндаҳошим енгиледи. Лекин қария Улжойтунинг илтимоси билан унинг гуноҳи кечирилади. Йиқилган курашга тўймайди, дейдилар. Иккинчи марта Зиндаҳошим Балх ва Термиз улусини талайди. Соҳибқирон Шибиргонни яна қамал қилади. Енгилшига аниқ кўзи етган Зиндаҳошим бу гал ҳам Соҳибқироннинг пойига бош уриб келади. “Биз сенинг гуноҳингдан ўтиб, қонингдан кечдик, - дейди Улуғ амир. - Сен ҳам ўз жонингга раҳм қил ва бундан кейин оғир савдонни хаёлингга келтирма. Чунки давлат ўз раҳматини ўзи йстаган кишига беради.”

Бу пурҳикмат насиҳат катта тахтни орзу қилиб юрган баъзи ношукурларга ҳам ибрат бўлмоққа арзийди. Қурьонни қаримнинг 3-сураси 47-оятда: “...дуч келган одамнинг қўли, у қанчалик тиришмасин, унинг (подшоликнинг) этагига етмай”, деб ёзилган. Подшолик камдан-кам кишининг пешонасига ёзилган қисмат. Унга зўрлик билан интилганлар ҳамаша ҳалок бўлганлар. Биз бу меъёрни ҳам унутмаслигимиз лозим, зеро, ҳар ким ҳаётдан кучига яраша, қудратига яраша ризқ-рўз олади. Амир Темур эса ўз қисматини яхши биларди, шунинг учун ҳам у қисматига яраша меъёрга риоя қилди. Ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай шароитда ҳам бўйин эгиб келганини сийлади, гина-қудратга, газабга ўрин бермади. Зиндаҳошимга сон-саносиз қўй, от, кўплаб туя, хачир, қимматбаҳо совғалар тўхта қилди, оч кўзи тўйсин деб мартабасини ҳам оширди. Нечун душманга шунчалик мурувват кўрсатди? Қатагонлар даврида бу гапни айтсангиз, чўпчак тўқияпсан, дея тилингиздан осешарди. Хўш нима учун Амир Темур душманларини бир эмас, бир неча бор кечирди, ҳатто уларга бойлик, мартаба берди? Нечун?.. Нечун у Тўхтамишга уч мартаба ҳокимият олиб берди?! Кўрнамаклик қилсаям ўлдириб юбормади. Саволлар кўп. Безавол тарихимиздан уларга жавоб излаймиз ва ҳайратимиз ошиб боради. Гоҳо ишонмаймиз. Шўро мафқурасининг ёлғонликлари ақлимиз қаватларида пайдо бўлган ҳақиқат дурларини сароб суратда кўрсатмоқчи бўлса-да, аммо давр қўёши унинг шаштини синдиради. Шундагина юрагимиз денгизни остидан бир армон сирғалиб ўтади: бизни кўп алдашган экан, бизни ўз меъёрларимиздан ошириб, манкуртга айлантиришларига оз қолган экан. “Бир кун келадими, зolim ўз бармоқларини тишлайди!” Амир Темур! Сиз ҳақ гапни айтган экансиз. Уша зolim бармогини тишлаганига анча бўлди. Энди шу буюк қисмат эгаси айтганидек: “Аллу эҳсон билан жаҳон гулшанини”, унинг бир ширин боласи бўлмиш -- Она Ўзбекистонни ҳам обод айлайлик. Бу улуг ва буюк ишда буюк Соҳибқирон тутган адолат байроғи бошимиз узра доимо ҳилпираб турсин.

Тўлқин ҲАЙИТ



Бошқотирма

БЎЙИГА

1. Қизларни таърифлаш учун ишлатиладиган сўз.
2. Осиёдаги давлат.
3. Эски тақвим бўйича ой ҳисоби.
4. Христианликдаги диний мансаб.
5. Қадимги одамларнинг ов қуроли.
6. Пишириқлардан бири.
8. Сувда яшовчи йирик ҳайвон.
10. Мевали дарахт.
11. Дин йўлида ҳаёт лаззатларидан воз кечиш.
12. Газлама тури.
13. Урта Осиёдаги қадимги ер улчов бирлиги.
17. Инсон онгининг “чарх”и.
18. Ҳиндистондаги дарё.
19. Қадимда ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини таъминловчи манба.
20. Хонлик давридаги давлат мансаби.
21. Христианларнинг илоҳий китоби.
22. Тропик мева.
23. Қадимги Шарқ давлати.
24. Ислон динининг таянчи.
28. “Маҳобҳорат” фильмидаги Бхаратлар шаҳзодаларининг устози.
30. Қадимги солиқ тури.
32. Араб давлати.
33. Автомобилнинг юраги.
34. Чой тури.
35. Энг муқаддас инсон.
36. “Морена Клара” сериалидаги образ.
37. Бобурий шаҳзода.
38. Урмонда яшовчи ҳайвон.
39. 24 соат.
40. Африқнинг “акаси”.

ЭНИГА.

1. Жангари қуш.
3. Инсон ички аъзоси.
5. Қорақалпоғистон пойтахти.
7. Россиядаги шаҳар.
9. Аҳолиси энг кўп давлат.
14. Ёвуз инсон.
15. Қуёш сўзининг синоними.
16. Ўзбекистондаги автомобилсозлар шаҳри.
17. Хатнинг туркий тилдаги номи.
20. Спиртли ичимлик.
23. Ҳинд кинофильми.
25. Ислон дини фарзи.
26. Инсонларга қарата айтиладиган мурожаат.
27. Германия пул бирлиги.
29. Аёлларнинг бош кийими.
31. Цитрус мева.
33. Ўзбек миллий таоми.
36. Адабий жанр.
39. Кимёвий модда.
41. Чехословакиянинг пойтахти.
42. Емгирнинг онаси.
43. Пул билан тўланадиган солиқ.
44. Жаҳонда кино санъати бўйича бериладиган юксак мукофот.
45. Мева дарахти.

Раҳматилло ОТАҚУЗИЕВ

КОКИЛЛИ ИЛОНЛАР БОРМИ?

Яқинда бу воқеани эшитиб роса ҳайратда қолдим. Қандайдир бир каттақон илон қишлоғимизда пайдо бўлибди. Бу илонни бир аёл кўриб ҳушидан кетибди...

Тўғриси, бу воқеадан кейин ўша аёл билан учрашишга жуда қизиқиб қолдим. Орадан уч кун ўтар-ўтмас унинг уйига бордим.

-- Эрталаб чамамда соат 10 лар эди. Уйда телевизор кўриб ўтиргандим. Ташқаридан эчкининг маъраганига ўхшаш галати овоз эшитилди. Ўзимча эчки бўшаб кеттикан дея молхонага бориб қарасам, эчки боғлиқ турибди. Товуш атрофи узун терак ва толлар билан туташган ариқ бўйидан келяпти. Қўшнилариمنى ечиблиб кеттикан деб, ўша ёққа бордим. Қарасам толга шунақанги баҳайбат кокилли илон чирмашган ҳолда маъраб турарди. Илоннинг узунлиги чамамда 3.5-4 метр. Калласи катта пақирдай, кўзлари эса пиёладай-пиёладай келарди. Илоннинг ҳайбатини кўриб, қўрққанымдан кўзим олди қоронгулашиб кетди. Шу пайт мендан 200 метрча нарида кўшнимнинг тўнғич ўғли Гаффор оғилхонасида молларига ўт бераётганди.

-- Гаффор! -дея ерга қулаганимни биламан, кўзимни очиб қарасам атрофимда кўшнилари, -- ҳеч нарса қилмадим, -деб гирдикапалак бўлиб туришибди.

Гаффор: -- Хуршида опанинг «Гаффор», -деган товушини эшитиб чопиб келдим. Қаердандир эчкининг маъраган товуши келарди. У ёқ бу ёққа қарадим, ҳеч қаерда эчки кўринмайди. Не кўз билан кўрайки, толга баҳайбат кўк рангли, кокилли илон чирмашган ҳолда маъраб турибди. Илонни ўлдирай, десам ҳеч оёғим жойидан жилмайди. Тахтадай қотиб қолдим. Бироздан кейин илон ариққа тушиб, сувнинг оқимиға қарши томонга сузиб кетди.

Қишлоқ кексаларининг айтишига қараганда, бу илоннинг жуфти ҳам бўлиб, шу яқин ораларда айланиб юрар экан. Қизиги шундаки, аҳоли шу пайтгача илонлардан зарар кўрган эмас.

Айтишларича, илонларнинг макони шу қишлоқдаги катта қабристонда экан. Кейинги пайтда бу илонни кўрганларнинг сони яна тўрттага кўпайган.

**Комилжон ҲАСАНОВ,
Бухоро**


АНОРЗОРДАГИ КЕЛИН...

Тўғриси айтсам, уйимизда бўлаётган воқеаларни бировга айтсак ишонмайди. Уйимизнинг орқа тарафида анорзор бор. Бир куни уйда ҳеч ким йўқ эди. Айвонда ёлғиз узим чой ичиб утирдим. Шу пайт анорзордан, чиройли кийинган келинчақ чиқиб, менга уч марта эгилиб салом бердида олдимга кела бошлади. Нима қили-

шимни билмай, утирган жойимда қотиб қолдим. Келинчақнинг менга етишига ўн қадамча қолганида, бирдан дарвозамиз тақиллади. Жон ҳолатда дарвозани очдим-у, ота-онамга бўлган воқеани гапириб берай десам, тилим дудуқланиб ҳеч ким тушунмади. Бу қўрқув боисидан бўлса керак деб ўйладим. Лекин ўша кундан бошлаб дудуқ бўлиб қол-

дим. Ота-онамнинг курсатмаган шифокори қолмади. Ҳозир ёшим 20 да. Келинчақ эса доим ўша анорзор томондан чиқиб, салом бериб тураверади. У мендан бошқа ҳеч кимнинг кўзига кўринмагани учун, ҳеч ким менинг гапимга ишонмаяпти.

**Дилдора АҲМЕДОВА,
Қашқадарё вилояти**



Сирли дунёнинг қайсидир воқеа-ҳодисалари сизни ҳам ҳайратта солаётгандир? Унда бизга мактуб ёзинг. «Тилсимот»нинг кейинги меҳмони — шу соҳа мутахассислари.

М
и
л
с
и
м
о
т

ТОБУТ КЎТАРГАН ЧОЛ...

Ярим кечаси амаканикидан уйга қайтаётган эдим. Икки қишлоқ ўртасида дарё оққанлиги учун узун кўприк бор. Қишлоқнинг бир тарафи тоқзор. Кўприкдан ўтаётиб, аллақандай овозлардан чўчиб тоқзорга қарадим. Шу пайт оппоқ кийинган, соч-соқоли ҳам оппоқ бўлган бир киши қўлида кичкина тобутни кўтарганча сувга шўнғиб, кўздан ғойиб бўлди. Қўл-оёғим ишламай, ўрнимда қотиб қолдим. Қанча вақт ўтганини билмайман. Қарасам, яна ўша киши сувдан чиқа бошлади. Бу гал унинг қўлида тобут йўқ эди. Шуниси қизиқки, чол сувга кирганда ҳам, чиққанда ҳам уст-боши ҳўл бўлмаган.

**Файза ИСКАНДАРОВА,
Шаҳрисабз шаҳри**

Сен менинг ҳаётим эдинг. Оҳ, сени қанчалар севишимни билсанг эди. Йўқ-йўқ, сен буни ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан. Бугун эса ана шу тасаввурни менинг бегубор муҳаббатимни қалбимга сиғдира олмаганинг учун ҳам мени ташлаб йироқ-йироқларга кетмоқдасан. Шунинг учун мени шунча вақт юра-

юзинга айтолмасдим, айтишга тилим лол эди. Бунга бир неча бор аҳд қилдим, лекин уддасидан чиқа олмадим. Сени кўрсам, тилим калимага келмасди. Ҳа, муҳаббат менинг тилларимни шунчалик боғлаб ташлаган эдики, ҳатто қимирлашга мажолим йўқ эди. Мен севгимни кўзларим, фақат нигоҳларим орқали изҳор қила олардим. Бошқача ҳаракат

лар бўлсинки, дил изҳорини эшитмаганингдек, бу сўзларимни ҳам эшитмай кетибсан. Бахт! Қандай яхши сўз, лекин бу дунёда менинг бахтим борми? Ахир уни мендан тортиб олишдику.

Бугун тўйинг... Сен хурсандсан. Ёнингдаги бахтинг билан қувониб ўтиргандирсан. Лекин мен сени қувончларингни кўролганим йўқ. Чунки... ўзга бир йигит билан кўрсам бахтсизлигимдан ўлиб қоламан, деб қўрқаман.

Ана, ёр-ёрлар овози келяпти. Ногорачи касбининг моҳири эканми, ўз санъатини шунчалик усталик билан ижро этиптики, таъриф қилишга тил ожиз. Лекин у ногорани эмас, бир йигитнинг юрагини қийма-қийма қилаётгани, унинг севгига тўла қалбини савалаётганини билармикан?

Демак, энди сен кетяпсан. Бир умрга мендан узоқ-узоқларга жўнаб кетяпсан. Бу хижронлар, бу азоблар мени соғ қўярмикан?

Майли, нимаики бўлса ҳам, сен бахтли бўлсанг бас. Сен ҳаётда ўз ўрнингни топсанг, бахтингдан қувониб, бахтиёр бўлсанг, шунинг ўзи етарли. Энди сенинг хурсандлигингни кўриш мен учун бахт. Менга энди бошқа нарсанинг кераги йўқ, орзу-умидлар, ҳамма-ҳаммаси мени тарк этган. Уларнинг барчаси сен билан бирга кетган. Юрагимда эса фақат бир туйғу қолган — сенга бўлган бегубор севгим, ўчмас муҳаббатим.

**Баходир ЙЎЛДОШЕВ,
Каттақўрғон тумани,
Самарқанд вилояти**

ДАРДКАШИМСАН, МУҲАББАТ

гим тўрида кўз қорачиғидай асраб келган севгимни улоқтираман, балки бир умр қалбимда кишанлаб қўяман.

Ҳаммаси ўша кечадан бошланди. Менга киё боқшинг билан юрагимда нимадир "жиз" этиб кетди. Кейин билсам ўша "нима"дир сенга бўлган севгим, муҳаббатим экан. Ҳа, мен анчадан бери ахтарган, излаб-излаб ва ниҳоят топган малак сен эдинг. Мен ҳеч қайси қизда кўрмаган фусункорликни, латофатни, меҳр-муҳаббатни сенинг жодули кўзларингда борлигини пайқаб қолгандим. У кўзлар шунчалик соф ва бегубор, тиниқ эдики, кишига шунчалик майин боқардики, бу кўзларни мен фақат сендагина кўргандим. Ҳа, бу сенинг сеҳрли кўзларинг эди...

Мен сени дилим билан севгандим. Лекин буни

қилишга эса менда журъат йўқ эди. Ростини айтсам "севги" деган туйғу менинг қувончушодлигимни, ўй-хаёлларимни, бутун борлигимни ўғирлаб қўйган. У мени ҳамма нарсадан жудо қилган. Муҳаббат шунчалик бешафқат эканлигини ана шундагина бутун вужудим билан ҳис қилдим.

Куни кеча қўлимга қоғоз тутқаздинг. Ҳайрон бўлдим, юрагим бир нарсани сезгандек "шиғ" этиб кетди. Сен эса меҳрли кўзларинг билан менга боқиб, "тўйимга албатта боринг", дединг... Нима?! Тўйга?!

Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Кўзларимга ишонмайман. Ҳушимни тўлаб сенга бир сўз айтмоқчи эдим, афсус, минг афсус, сен кетиб қолган эдинг. Мен сенга бутун вужудимни тилкалаб бўлсада, юрагимни суғуриб, парчалаб бўлсада, бахт тиламоқчи, "бахтли бўл" демоқчи эдим. Аммо надомат-

ЎЗИНГИЗ ҲАҚИНГИЗДА ЎЙЛАБ КЎРГАНМИСИЗ?

Сизнинг хулқ-атворингиз, ташқи қиёфанингиз, гапириш маромингиз атрофингиздаги кишиларда турлича таассурот қолдиради ва уларнинг муносабатлари ҳам шунга яраша бўлади. Қуйидаги саволларга жавоб бера туриб, одамларнинг сизга бўлган муносабатларини билишингиз мумкин.

1. Мен билан учрашган кишилар исминни эслай олмайдилар. Ваҳоланки, ўшанда менинг атрофимда бўлганларнинг исmlарини бирма-бир айтиб беришади:
бундай ҳодиса тез-тез бўлиб туради -- 1;
баъзан -- 2;
ҳеч қачон -- 3.

2. Одамлар менинг нима деганимни эшитмайди ва қайтадан гапиришимни сурашади:
тез-тез -- 1;
баъзан -- 2;
ҳеч қачон -- 3.

3. Мени кийинишим, гапларим ва хулқ-атворим учун очикдан-очик танқид қилишади:
тез-тез -- 1;
баъзан -- 2;
ҳеч қачон -- 3.

4. Умумий гурунларда менинг фикр-мулоҳазаларимга қизиқишмайди, улар учун гўё мен йўқдай:
тез-тез -- 1;
баъзан -- 2;
ҳеч қачон -- 3.

Агар балл тўплаган бўлсангиз:
18-24 балл. Сиз ҳеч нарсадан ташвишланманг. Атрофингиздагилар сизни жуда яхши қабул қилишган.
14-17 балл. Афтидан, сиз ўзингизга эътибор бериш лозимлигини сезган бўлсангиз керак. Кўнгилсиз ҳодиса ва воқеалардан хулоса чиқаринг.
14 баллдан кам. Сиз қандай хатоларга йўл қўйганингиз ва ўзингизга нисбатан ишонч, дадиллик уйғотиш ҳақида ўйлаб кўринг. Балки ўз услубингизни алмаштиришингизга тўғри келар.

5. Тасодифий танишлар менинг исминни, турар-жойим, қаерда ишлашим ва ҳоказоларни тезда унутиб юборишади:
тез-тез -- 1;
баъзан -- 2;
ҳеч қачон -- 3.

6. Сотувчилар, официантлар мени пайқашмайди ёки энг охирида хизмат кўрсатишади:
тез-тез -- 1;
баъзан -- 2;
ҳеч қачон -- 3.

7. Жамоат жойларида танишлар мендан хулқ-атворимни (наст овоз билан маданиятли гапириш, еб-ичиш, салфеткадан фойдаланиш ва ҳоказо) ўзгартиришимни илтимос қилишади:
тез-тез -- 1;
баъзан -- 2;
ҳеч қачон -- 3.

8. Янги одамлар билан учрашганда, ҳамроҳларим мени уларга таништиришни унутиб қўядилар:
тез-тез -- 1;
баъзан -- 2;
ҳеч қачон -- 3.

П Е К И Н. ХХР раиси Цзян Цзэмин таклифига биноан, Миср Араб Республикаси президенти Хусний Муборак беш кунлик давлат ташрифи билан Хитойга келди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда маълум қилинишича, ташриф давомида **Ҳ.Муборак** ва **Ц.Цзэмин** икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий алоқалар ҳамда халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашади. **Ҳ.Муборакнинг** Хитой ишбилармонлари билан учрашиши ҳам режалаштирилган.

У М М О Н. Бу ерда Иордания подшоҳи Абдулла ибн Хусайн билан Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арафотнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Исроил ҳукуматини арабларга тегишли бўлган ҳудудларда яхудиелар учун турар-жой қуриш режасидан воз кечишга чақирилди. Томонлар Фаластин-Исроил музокараларига янгича руҳда ёндашиш юзасидан ўзаро фикр алмашди.

Шунингдек, подшоҳ Абдулла ва Ёсир Арафот Исроилни Сурия ва Ливан билан тинчлик музокараларини ўтказишга чақирди.

Т И Р А Н А. Македония ҳукумати Европа Иттифоқи 100 минг нафар косоволик албан қочқинни қабул қилишга тайёр эканини маълум қилди. Хабарларга кўра, ЕИ Македониядаги косоволик қочқинларни иттифоқ мамлакатларига жойлаштиради. НАТО ҳам Албания ҳамда Македониядаги косоволик

қочқинларни Германия, Греция, Норвегия, Туркия, Канада ва АҚШ қабул қилажати тўғрисидаги хабарни эълон қилди.

З А Г Р Е Б. Хорватия ҳукумати косоволик албан қочқинларга 2,57 миллион АҚШ доллари миқдорда озиқ-овқат етказиб беришга қарор қилди. Шунингдек, Словения ҳукумати ҳам албан қочқинларга 260 минг доллар миқдорда моддий ёрдам кўрсатишга аҳд қилди.

Б О Н Н. Германия ҳукумати албан қочқинларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш тadbирларини бошлади. ГФР мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак ортилган «Боинг-707» русумли учта самолёт Скопеге жўнатилди. Ушбу ёрдам Македония ҳамда Албанияда вақтинча қўним топган 10 мингдан ортиқ қочқинга етказиб берилди.

Германиядан Болқонга ҳар кун инсонпарварлик ёрдами ортилган бир неча самолёт учди, деди мамлакат мудофаа вазир Рудолф Шарпинг. Шунингдек, у Македониядаги немис ҳарбийларига қочқинлар шарт-шароитини яхшилашга кўмаклашиш ҳақида кўрсатма берганини ҳам айтди.



Ж Е Н Е В А. БМТнинг қочқинлар иши бўйича олий комиссарлиги Болқон минтақасида қочқинлар сони тобора кўпайиб бораётганидан ташвиш билдириб, жаҳон ҳамжамиятини уларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга чақирди.

Комиссия маълумотига қараганда, Косово мижароси кескинлашгани боис ўлкадаги қочқинлар сони 360 минг нафарга етган. Уларнинг 200 мингдан ортиги Албанияда, 115 мингга Македония ҳамда 33 минг нафари Черногория ҳудудига жойлашган. Булардан ташқари, яна 10 мингдан зиёд қочқин ҳозир ўзига бошпана қидирмоқда.

Ж А К А Р Т А. Индонезиянинг Молукки оролида фуқаролар ўртасидаги диний ва этник тўқнашувлар яна икки кишининг ўлимига сабаб бўлди. Туал шахрида бир қанча турар-жой ва маъмурий бинолар ёқиб юборилди.

Ўтган ҳафта давомида Молукки оролининг жануби-шарқий қисмида юз берган тартибсизликлар натижасида қурбон бўлганлар сони 35 кишидан ошиб кетди. Шунингдек, 300 дан ортиқ бино, жумладан мактаб, ҳукумат идоралари ва бошқа

иморатлар вайронага айланди.

С А Р А Н С К. Саранск шахри чеккасида юк ташувчи поезд 12 та вагони билан издан чиқиб кетди. Уларнинг иккитасига янги енгил автомобиллар юкланган бўлиб, бир вагон бутунлай ағдарилиб кетган. Шунингдек, темир йўлининг 250 метри ишдан чиққан.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, ҳаво ҳароратининг тез-тез алмашиб туриши воқеага сабаб бўлган. Айтилганда темир йўлни тиклаш чоралари кўрилмоқда.

Х А Н О Й. Таиланд ҳукумати Мьянма билан туташ бўлган бешта туман сарҳадини ёпиб қўйди. Бунга мьянмалик номаълум кишилар чегара ҳудудида яшовчи таиландлик деҳқонларга ҳужум уюштиргани сабаб бўлди.

Бундан бир неча кун аввал бир гуруҳ қуролланган кишилар Мьянмадан Таиланд ҳудудига ўтиб Чиан-Май вилояти кишлоқларининг бирига ҳужум уюштирган ва 9 нафар деҳқонни ўғирлаб кетган эди. Кейинроқ деҳқонларнинг жасади чегарага яқин жойдан топилди. Мазкур воқеа сабаблари аниқлангунга қадар икки давлат чегараси бутунлай ёпиб қўйилади, дейилади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда.

ЎЗА/

(Давоми. Аввали ўтган сонларда)

Оқсарой фожеаси ҳақидаги хабар ўша куннинг ўзидаёқ Тошкентга ёйилиб бўлди. Одамларнинг оғзида узун-қулоқ гаплар: «Ҳофиз Мумтозни кимгаям рашк қилиб, кенжа хотини ҳашаматли кошонаси-ю, мол-мулкига қўшиб, ёқиб юборибди!», «Гўзалликда тенги йўқ ёш хоним, Тахминани кимдир яхши кўриб қолган экан, ўша ёқдан одам юбориб, ҳофиз Мумтозни гумдон қилдирибди», «Оқсарой маликаси қочиб кетаётди, аэропортда қўлга тушганмиш». Бу хил миш-мишларга нисбатан ҳар хил мулоҳазалар билдирилди: «Афсус, Мумтоздек худойидод ҳофиз ўзини авайлаб юрса бўларди», «ҳамма айб Мумтознинг ўзида, кейинги пайтлар босар-тусарини билмай қолувди», «Чиройлидан хотин олманг, куйиб ўларсиз, деганлари шу-да!».

Оқсарой воқеасини эшитиб, жилвасиз Тахмина кўйида қарахт юрган Ўқтамбек дабудурустан чўққа тушган одамдек потирлаб қолди. Уни ваҳимага, таҳликага солиб, юрагини ачиштираётган бирдан-бир нарса Тахминанинг чекига тушган аччиқ қисмат-у, энди олдинда турган ва қутилаётган азобли кунларнинг аллақачон хуруж қила бошлаган дарди титроғи эди. У Тахмина учун ҳар қанча оғир синовларга, кураш ва заҳматларга тайёр. Фақат унинг ҳаётига яна осудалик қайтганини, азиз маҳубасининг гулгун чехрасига ўша табассумлар қайта инганини кўрагини бас, шунинг ўзи Ўқтамбек учун энг олий бахт, шунинг ўзи унинг учун зарур бўлган бирдан-бир озиқ эди!

Бир курсдош дўстининг ички ишлар бошқармасида ишлайдиган акаси орқали воқеа рўй берган куннинг эртасигаёқ Тахмина билан учрашишга руҳсат олди. Бироқ Тахмина у билан учрашишни рад этди. Албатта, Ўқтамбек бундан хафа бўлмади. Тахминани тўғри тушунди. Майли, кўришмаса, кўришмай турар. Энг муҳими, Ўқтамбек унинг ёнида, қанотида турганини ҳис этса бас. Бунинг учун, шу кунларда вақти гоят зиклиги-олийгоҳнинг ҳуқуқшунослик факультетини битираётганлиги ва диплом ишини ёқлаш арасида турган бўлишига қарамай, Тахминанинг ташвишида худди парвонадек ўзини дуч келган чироққа уришдан чарчамас эди. Тергов идораларими, прокуратураими, адлия ёки адвокатура кабинетларими, ишқилиб, қўли етган жой борки, эшик қоқишдан, сизим қоқишдан тинмайди.

Буларнинг барчасидан Иброҳим ҳожи яхши хабардор, у ҳаммасини зимдан кўзатиб турибди. Лекин ўлига лом демайди, шу билан бирга, унинг ҳаракатларига монелик ҳам қилмайди.

Ўқтамбек ҳам буни яхши тушунади: агар отаси унга хайрихоҳлик билдириб, айланувчи томон озгина ён босса, унинг учун жон куйдирса борми, Тахминанинг бошига тушган қулфатлар тез орада ўз-ўзидан барҳам топган бўларди. Аммо бундай бўлиши жуда ҳам қийин, чунки тақводор ота «енгил табиатли, суяқ оёқ бир аёл» ни деб орага бош сукмайди, ўз мавқеига пугур етказмайди. Ўқтамбекнинг дадасидан бирдан-бир оғринган жойи ҳам худди ана шунда эди.

Тўғри, дадасининг бу борадаги бир гапигина Ўқтамбекнинг куйишиб турган юрагига озгина бўлса-да, малҳам бўлди. Оила аъзолари кечки овқат маҳали жам бўлиб ўтиришганда, Шаҳодат бону Мумтоз ҳақида «шу гаплар ростми?» дея сўраб қолди.

-- Миш-мишларга ишонмаймиз... - вазмин жавоб қайтарди ҳожи қаршида жимгина, истар-истамас луқма айлантираётган афтодаҳол Ўқтамбекка зимдан нигоҳ ташлаб қўйиб.

СОЛИҚ ҚАҲҚОР

ДАЙДИ ҚИЗНИНГ ҲАСРАТ КЕЧАСИ

Иккинчи КИТОВДАН



...Қутилмаганда эшик очилиб, ичкарига подполковник пўримида барваста гавдали, кўзлари қулиб турган, очиқ чеҳрали бир киши кириб келди. Терговчи ўридан даст турди-да, унга чест бериб, нимадир демоқчи эдики, подполковник «ўтиравер» маъносига ишора қилди ва келиб мен билан қўл бериб саломлашди.

- Бу киши Фарғонадан, жаноб начальник. Журналист...
Подполковник унга жавобан «Хабарим бор. Айтиши» дея, мендан сўради:
- Фарғоналар жойидами, меҳмон?
- Раҳмат, ҳаммаси жойида.
- «Нефчи» қойиллатяпти, маладес!

У шундай дея терговчига ўтирилди:

- Ишни йиғиштири, икковимиз вазирликка ўтиб келамиз. Мен ташқаридаман. Подполковник чиқиб кета туриб мендан уэр сўраб қўйди. Кейин эшик ёнига борганда, нимадир ёнига тушиб, бир лаҳза тўхтади-да, терговчига қўшимча қилди:
- Шоматов, меҳмоннинг илтимоси ерда қолмасин.
Бу гап менга тааллуқли эдим, ёки ўзларига алоқадорми, бунисини англаб етишга улгурмадим. Терговчи Шоматов «Хўп бўлади, жаноб начальник» дея ортиқча гап-сўзсиз Тахминани кўришим учун рухсатнома ёзиб берди.

Учрашув учун ажратилган хонада битта столу иккита табуреткадан бошқа ҳеч вақо йўқ. Ҳасмоқ боғлаб, ўзидан шуъла ўтказолмай қолган битта-ю битта дарча одам бўйи етмайдиган баландликда, у ҳам бўлса темир панжарали эканлиги, неча йиллардан бери таъмир кўрмаган деворларда нималар биландир тирнаб ёзилган аллақандай ёзувлар борлиги бу хонанинг ҳам бир вақтлар маҳбуслар сақланган қамарга бўлганини аниқлаб турарди.

Узоқ куттиришмади. Бу ерга кириб беш дақиқа ўтирмасиданок, эшик очилиб, қаршимда ўша Тахмина, кишига виқорли ва шу билан бирга гоят истарали боқувчи, қадди-қомати ва юзларидан ҳамон ҳусну малаҳат ёғилиб турган Тахмина пайдо бўлди!

- Собир ака!
- Тахмина...
У қаршимда бир дам нима қиларини, нима дейишини билолмай жим туриб қолди. Кейин у ўзини зудлик билан қўлга олишга, ҳаётида гуё ҳеч қандай воқеа рўй бермаган одамдек эркин ва бепарво тутишга уриниб, сохта ним табассум зоҳир этди. Аммо унинг вужудида аччиқ ва аламли изтироб ўти гупириб турганини сезиб турганидан, ўзим бориб уни бағримга олдим. Шундагина Тахмина бошини кўксимга босганича, ўқинч билан йиғлаб юборди:

- Дадамнинг йўлида ёлғиз ёдгорим...
- Тинчлан, Тахмина. Сен... яхшисан.
- Мен... ёмонман. Кўриб турибсизку.
- Ундай дема. Кел, ўтирайлик, - мен дастрўмолимни чиқариб, унинг кўз ёшларини артдим.
Тахмина менга энди қайноқ меҳр билан, бироқ хижолатомуз боқарди.
Бир дамлик ноқулай сукутдан сўнггина сўрашга ботиндим:
- Нега бундай қилдинг, Тахмина?
У мендан нигоҳини олиб қочди.
- Сиз ҳам кўп нарсалардан беҳабарсиз, Собир ака...
- Тошкентта келганимга бир ҳафтадан ошди. Сўраб-суриштириб, унча-мунча нарсалардан хабар топганман.
- Мен у билан бирга ёниб, бирга ўлиб кетишим лозим эди, - Тахмина бир дам жимиб қолди-да, кейин илова қилди: - Сиз мени тушунасиз...
- Тушунаман. Лекин...
- Гапирманг, илтимос. Менга ачинишининг, насиҳат қилишнинг ҳожати йўқ.
- Насиҳат қилмоқчи эмасман. Аммо ачинмасликнинг иложи йўқ.
- Шундай дейсиз-у... Яхши ниятларга гов бўлишса, эркингни бўғишса, ўз умрининг ўз билгингча яшашга қўйишмаса, на чора?
- Ҳаётнинг оддий ҳақиқати бу, Тахмина. Одамлар борки осмондан-да баланд. Одамлар борки, ердан-да паст. Кимдир яшнаб, гуркираб ўсган ям-яшил майсаларни, қулф очиб, тароват бериб турган ранго-ранг гулларни кўрганда, улардан завқланади, роҳатланади. Уларни ардоқлайди, қадрлайди. Аммо бошқа кимдир ана шу гўзалликка ҳайвонларча муносабатда бўлади. Уни оёқ остида беаёв эзгилаб ўтади. Фақат шуниси муқаррарки, ҳар бир одам ўз хулқига, қилмишига яраша интиҳо топади.
- Қайдам. Бироқ ёмонлар ўз қилмишларига яраша жазосини топгунча, қанчадан-қанча бегуноҳ умрлар ҳазон бўларкан. Бундайлар билан ишинг бўлмасин, улар бу дунёда бўлмаса, нариги дунёда ўз жазосини топади, деган гапларга ишонмайман. Мен ҳар қандай ёвузликнинг қули кўкка совирилишини ўз кўзим билан кўришни истайман.
Орага яна жимлик чўқди. Бу дам Тахминага, унинг ўзи айтганидек, насиҳат қилиш ҳам, унга ачиниш ёхуд ҳамдардлик қилиш ҳам ножоиз эди. Бугун қаршимда ёш боши билан қатта бир умрининг аччиқ сабоқларини кечиб улгурган, тақдир чигриқларининг ситамли ўйинларидан адои тамом бўлаётган, лекин ҳамон ўша соддадил ва танти, гумроҳ ва шўрпешона, сулув Тахмина утирипти.

(Давоми бор)

Кураш бўйича дастлабки Осиё чемпионлари

Йигирма минг кишилик «Ал-помийш» стадионини лиқ тўлдирган мухлислар ўринларидан туриб, ўз юртдошлари кураш бўйича Осиёнинг дастлабки чемпионлари - Тоштемир Муҳаммадиев, Баҳром Авазов ва Махтумқули Маҳмудовни олқишладилар.

Мусобақанинг икки куни мобайнида саккиз мамлакатнинг спортчиларини енгган омадли полвонлар ўзларининг автомобилларида - Тоштемир Ўзбекистон Президенти соврини - «Нексия»да, Баҳром - Сурхондарё вилояти ҳокими соврини - «Дамас»да ва Махтумқули - «Камолот» ёшлар жамғармаси соврини - «Тико»да стадионни айлиниб чиқдилар.

- Мана шундай галабадан, кишиларнинг шундай жипслигидан қувонмай бўладими, - дейди 72 яшар Рўзи бобо Жўраев, - спортчилар ҳам, мухлислар ҳам курашга меҳр қўйган, шундай полвонларни воёга етказган ўз халқи билан фахрланади, спортни ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратган мамлакатимиз Президентини билан гурурланади.

- Тўғри, бугун мен бу ерга келаятганимда 90 килограммдан ошмиқ вазнлилар орасида менинг сеvimли спортчим сурхондарёлик полвон - Эрали Махмарасулов ғолиб бўлишига ишончим комил эди. Унинг Осиёнинг биринчи чемпионатида ғолиб бўлиши учун барча имконияти бор эди, чунки худо унга одатдан ташқари куч ато этган, ақли ҳам етарли. Агар у Тоштемир Муҳаммадиевдан бошқа полвон билан курашганда эди, галаба қилган бўларди.

Эслайсизми, - Рўзи бобо қизишиб гапира бошлади, - дастлабки икки дақиқада уларнинг кучи ҳам, маҳорати ҳам барабарга ўхшади. Кейинчалик ютқазиб қўйишдан чўчиш Эрали иродасини бироз сусайтирди, ана шу пайт Тоштемирнинг қўли баланд келди... У зўр куч билан Эралини даст кўтариб, ерга олди.

Ҳозир Термизда Осиёнинг биринчи чемпионати ўтказил-

моқда. Май ойида эса Тошкентда кураш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади. Биз бундан ўн йил муқаддам бу ҳақда орзу ҳам қилолмас эдик. Минг йиллик тарихга эга бўлган кураш, эндиликда мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг жаҳонда ўз мухлисларига эга бўлмоқда.

Бу Ўзбекистон халқининг фақат моддий аҳволи, саломатлиги ҳақида жон куйдирибгина қолмай, мамлакатимиз спорт обрўсини мустаҳкамлаш учун ҳам барча шароитни яратётган Президентимизнинг хизматидир.

- Мен Президент Ислон Каримов соврини учун ўзбек халқининг буюк ўғли Аҳмад ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган учта Жаҳон мусобақалари ҳақида эшитган эдим, - дейди Жаҳон дзюдо уюшмасининг биринчи вице-президенти, Халқаро кураш уюшмасининг вице-президенти Франц Хугендайка. - Бироқ бутун бу ерда кўрганларим кутганимдан ҳам зиёда бўлди.

Мусобақа ташкилотчилари спортчиларни жойлаштириш ва уларни овқатлантириш масалаларини ажойиб ҳал қилганлар, театрлаштирилган томоша бизни Ўзбекистоннинг рақс ва вокал санъати билан таништирди, Термиз шаҳри эса ўзининг кўркемлиги билан диққатингизни ўзига жалб этади.

Термиз мусобақасида ўзбекистонлик дзюдочи Армен Багдасаров каби моҳир спортчилар иштирок этмоқда. Шунинг учун бўлса керак, Термиз мусобақасида иштирок этаётган Халқаро кураш уюшмасининг ижроия қўмитаси ушбу мусобақага бажоницил Осиё чемпионати мақомини берди.

Ушбу мусобақанинг янги мақоми финалга чиқиш учун қаттиқ рақобатни рағбатлантирди, энг кучли полвонлар финалга чиқди. Энг асосийси -

мусобақанинг янги мақоми Осиёда курашни тарғиб этиш ва ривожлантиришга ёрдам беради. - 90 килограммдан ошмиқ вазндаги полвонлар орасида Осиёнинг биринчи чемпиони бўлганим учун ўз бахтиёрлигимни сўз билан изҳор этолмайман, - дейди Тоштемир Муҳаммадиев. - Бу ҳақда гапириш қийин, бунинг фақат қувончга тўлган мухлисларимизнинг юзларида кўриш мумкин.

Мен дўстларим - 73 килограмм вазндаги полвонлар орасида беллашган сурхондарёлик Махтумқули Маҳмудов, 90 килограмм вазли полвонлар орасида яхши натижага эришган қашқадарёлик Баҳром Авазов муваффақиятидан хурсандман.

Полвонларимизнинг биринчи Осиё чемпионатида қўлга киритган галабалари 1-3 майда Тошкентда бўладиган биринчи Жаҳон чемпионатида халқимизни, курашнинг барча мўхлисларини ўз галабалари билан хурсанд қилиш учун ҳамма имкониятдан фойдаланишларига умид бағишлайди.

Сурхондарё вилояти ҳокими, вилоят кураш федерациясининг президенти Жўра Норалиевнинг ташаббуси билан сурхондарёликлар биринчи бўлиб кураш бўйича Жаҳон чемпионатида тийёргарлик кўришга ўз улушларини қўшдилар, мусобақани ташкил этиш учун 2 миллион сўм ажратдилар.

- Курашга қизиқиш бизнинг қонимизга сингиб кетган, - дейди Жўра ака, - жаҳонда курашни ривожлантириш учун ўз ҳиссамизни қўйишга интилишимиз ўз Ватанимиз, ўз халқимиз билан гурурланишимиз, Президентимиз Ислон Каримов кўрсатаётган ғамхўрликка фақат иқтисодийдагина эмас, балки спортда ҳам галабалар билан жавоб бериш истагимиз билан боғлиқ.

Суратда: «Дамас» совриндори полвон Баҳром Авазов.

Светлана ТЕН,
Чори ТҲҲТАЕВ,
ЎЗА мухбирлари

Суратда: «Дамас» совриндори полвон Баҳром Авазов.



ЭНГ БОЙ ОДАМ ҚАНДАЙ ДАМ ОЛАДИ

Брунея давлати султони Римдаги энг ҳашаматли меҳмонхонанинг муҳташам хонасида 2000 йилни кутиб олмоқчи. Бу учун ҳозирдан бир кунлик ижара ҳақиға 10 минг доллардан тўлаяпти. Меҳмонхонанинг «Вилла Ла Куплола» деб номланган махеус хонасини эса дунёнинг энг бой кишисини кутиб олишга ҳозирлашмоқда. Хўш, бу жаннатмақом сарой нимаси билан султонни ўзига ром этдикин?

У меҳмонхонанинг икки қаватида жойлашган бўлиб, минг квадрат метр саҳни эгаллайди. Сарой ноёб меъморий кўриниши ва ажабтовур мебеллари билан шўқрат қозонган. Хонанинг асосий ўн метр баландликдаги гўмбазини эгаллаган ёрли уймакор нақшлар, ҳар қандай юксак дидли кишини ҳам ҳайратта солади.

Меҳмонхонанинг икки сақланган ертўласида икки юздан ортиқ турдаги қадимий шароблар бор. Хонанинг иккинчи қаватида спорт зали, бассейн жойлашган. Ҳозир кўпчиликни бу ҳашаматли қасрда султон қасби жонон билан 2000 йилни кутиб оларкин, деган савол ўйлантираяпти.

ОСМОНДАН СИГИР ШУЧИДИ

Сан-Франциско шаҳри яқинида қатта тезликда кетаётган автомашинага осмондан улкан қорамол тушиб, ҳайдовчининг ўлимига сабаб бўлди. Аслида воқеа бундай бўлди: қаттиқ шамол эсарди, бир ярим ёшли гунажин утлоқда адашиб, машина йўлига тушиб қолди. Қатта тезликда кетаётган «Мерседес» йўлида пайдо бўлган гунажинни сезмай уни уриб юборди. Гунажин зарбдан осмонга учиб кетди ва қарши томондан келаётган автомашинанинг олди ойинасига келиб урилди. Уч юз қирқ килоли қорамол ойнани синдириб, ҳайдовчининг устига тушди. Ҳайдовчи шу ондаёқ тил тортмай ҳаётдан кўз юмди.

Ҳозирча ҳайдовчи кўркундан вафот этдими ёки зарбданми номатълум.

«Шаҳрух» фирмасига берилган N ПР С/ 762 рақамли ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси берилган гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ИЛАК ГАЛАБА

Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионида 2000 йилда Сиднейда бўлиб ўтадиган олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун футбол бўйича саралаш турнирида Ўзбекистон ва Қирғизистон олимпия терма жамоалари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Ўйиннинг дастлабки дақиқала-рида ноқ футболчиларимиз ҳужумга зўр берди. Бироқ ўйин тажрибасининг камлиги, бунинг устига мазкур учрашув саралаш турнирининг давлатчилик бўлгани

учун улар ўйини қову-мади. қарамай,



нинг кўп ҳам шавёр-Шунга рақиб ҳимоячиларининг ҳатосидан фойдаланган Р.Ғофуров олимпия терма жамоамизни 1:0 ҳисобида олдинга олиб чиқди.

Танаффусдан сўнг олимпия терма жамоамиз мураббийлари майдонга янги ўйинчиларни туширгач, футболчиларимиз ҳаракатида бир қадар жонланш юз берди. Ҳужумчи А.Бердиев рақиб дарвозабонини икки марта доғда қолдирди. Шундай қилиб, ўзбекистонлик олимпиячилар саралаш турнирини қирғизистонликлар устидан 3:0 ҳисобида галабага эришиш билан бошлади.

Футболчиларимиз навбатдаги учрашувни 10 апрель кунини Тожикистон олимпия терма жамоаси билан ўтказилади.

/ЎЗА/

Бир йилдим қуллу

Пивохонада жаҳли чиққан пивоҳур официантнинг чақирди:

- Сиз мени бу ювинди пивони ичади, деб уйлаяпсизми? Бошлигингизни чақиринг.
- Кечирасиз у ҳам бунинг ичмайди, - деб жавоб берди официант.

Хотин пол юваппти, эри диванда газета уқиб утирибди.

- Оёгингизни кўтаринг, полни артиб олай.
- Менинг ёрдамимсиз бирорта ҳам иш қилолмайсан-а? - деди эри.

Автобусда кетаётган аёл ёнидаги мастга деди:
- Сиз бу кетишда туппа-туғри дузахга тушасиз.

Мастнинг кузи ола-кула бўлиб кетди ва ўридан тура солиб ҳайдовчига қараб қичқирди:
- Тухтат машинангни, мен тушиб қолай, бошқа автобусга чиқиб қолибман.

- Кеча мен лоторейдан юз минг сўм ютдим.
- Зўр-ку, хотининг роса хурсанд бўлгандир.
- Албатта. У қувонганидан тилдан қолди.
- О, бирданга иккита бахт!

«Туркистон» жамоаси таҳририят қошидаги «Туркистон» болалари гуруҳи раҳбари Жамшид Сафаровга отаси

Дилмурод САФАРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОЛ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир
Назокат УСМОНОВА

ТАҲРИРИЯТ:
Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-56-58
Хатлар бўлими — 133-79-69

МАНЗИЛИМИЗ:
100083 Тошкент Маърифатлар кўчаси, 32-ўй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаназаридан фарқлангани мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернин бошмақомаси
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

Буюртма Ғ. — 0273.
Рўйхатдан ўтин тарғиб № 00012

Офсет усулида бошланган. Қоғоз бичими А-3
Босишга топшириш вақти-21,00

1 2 3 4 5 6
Тошпирилди-21,00